

Мўмин банда бадназарлик қилмасин



11:24 / 09.10.2024 1931

Ўн иккинчи чора:

Мўмин қалбида «кўзларим Аллоҳнинг менга берган омонатидир, бу омонатни ҳукми илоҳийга мувофиқ ишлатишим лозим. Агар унга хилоф қилсам, у ҳолда омонатга хиёнат қилган бўламан», деган ўйни жамласин. Умумий қоида шуки, қайси банда бир бора омонатга хиёнат қилса, иккинчи маротаба унга омонат топширилмайди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

اودوت نأ مكرمأي هلالا نإ اهله أىلأت انامأا

«Албатта, Аллоҳ омонатларни ўз аҳлига адо қилишингизни буюради» (Нисо сураси, 58-оят).

Ўн учинчи чора:

لِيْمَج يَلَاغَت هَلَلَا نإ

«Албатта, Аллоҳ таоло гўзалдир» («Ал- жомеъ ас-сағир», 263).

Бу ҳадиснинг маъносини ақлга жойлаб, «агар мен дунё гўзалларига нопок назар ила қарасам, Аллоҳ таоло қиёмат куни Ўзининг ҳусни жамолини кўришдан маҳрум қилиб қўямасин», деб ўйласин.

Ўн тўртинчи чора:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Агар кимнинг бирор номаҳрамга тасодифан назари тушса ва унинг ҳусну жамоли қалбига ўтириб қолса, у ҳолда уйига бориб, ўз аёли ила нафсини қондирсин. Номаҳрам аёлда бўлган ҳар нарса ўз аёлида ҳам бордир».**

Ҳалол йўл орқали жинсий хоҳишларини қондириб олиш ҳаромдан тўсиқ бўлади.

Ўн бешинчи чора:

Бир ёш йигит Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Менга зинога ижозат беринг», деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни койиш ўрнига меҳр ила: **«Айт-чи, бирор кимса сенинг онанг ила зино қилишини хоҳлайсанми?»** деб сўрадилар.

У: «Йўқ!» деди.

Кейин: «**Бирор киши сенинг синглинг ила зино қилишини хоҳлайсанми?**» деб сўрадилар.

У: «Йўқ!» деди.

Кейин: «**Бирор киши холанг ила зино қилишини хоҳлайсанми?**» деб сўрадилар.

У: «Йўқ!» деди.

Кейин: «**Бирор киши амманг ила зино қилишини хоҳлайсанми?**» деб сўрадилар.

У: «Йўқ!» деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шунда: «**Сен ким билан зино қилсанг, у ҳам кимнингдир онаси, синглиси, холаси, аммаси бўлади. Худди сен маҳрам аёлларинг ила бирор кимса зино қилишини хоҳламаганингдек, бошқа одамлар ҳам уларнинг маҳрамлари ила кимдир зино қилишини хоҳлашмайди**», дедилар. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг кўксига қўлларини қўйиб, унга ифбат ва поклик сўраб дуо қилдилар. Ўша саҳоба розияллоҳу анҳу: «Менинг кўксимда гуноҳ талаби ҳам тугади. Балки, менда зинога нисбатан бошқа бирор гуноҳга бўлмаган даражада нафрат пайдо бўлди», дейди. («Муснади Аҳмад»).

Демак, мўмин банда бадназарлик қилмасдан, «одамлар менинг маҳрам аёлларимга назар солишини хоҳламаганимдек, бошқа одамлар ҳам аёлларига бегоналарнинг қарашини хоҳламайдилар», деб ўйласа, қалбида осудалик ва хотиржамлик топади. Бадназарлик чорлови кучсизланади.

Бундан ташқари, бирор комил шайх ила алоқа бўлсин. Бу иллатини унга билдирсин ҳамда дуо ва таважжуҳ сўрасин. Машойихлар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўринбосарлари бўладилар. Уларнинг таважжуҳлари ила қалблардан зулмат кетади. Уларнинг суҳбати даво ва назарлари шифо бўлади.

Ўн олтинчи чора:

Хаёлни ўнглаш.

Қачон нафс номаҳрам тарафга қарашни истаса, мўмин банда эътиборини ҳаромдан олиб қочиб, бошқа тарафга қаратсин. Ўзини бошқа нарса билан

чалғитсин, шунда номаҳрамнинг хаёли кетиб, ўз-ўзидан бартараф бўлади.

«Бадназарлик ва зинодан сақланиш» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича
қўмитанинг 2021 йил 24 июндаги 03-07/4033 рақамли хулосаси асосида тайёрланди.